

Баликчи туман хокимлиги хузуридаги
Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан
утказиш инспекциясида

2016 йил «11» 07 кунли №1135/4

Реестр раками билан
КАЙТА РҲЙХАТГА ОЛИНГАН»

«SHAXRIXON – AVTO RAVON»
aksiadorlik jamiyat akциядорларининг
2016 йил 28 июндаги навбатдаги
умумий йиғилишида

«ТАСДИКЛАНГАН»

«SHAXRIXON – AVTO RAVON»
акциядорлик жамиятнинг Уставига киритилган ўзгартиришлар ва кўшимчалар
матни:

Эски тахрир	Янги тахрир
3 МОДДА УСТАВ ФОНДИ МИҚДОРИ	
3.3.Жамият Устав жамғармасининг миқдори 584 630 000 (беш юз саксон тўрт миллион олти юз ўттиз минг) сўмни ташкил қилади ҳамда номинал қиймати 850 (саккиз юз эллик) сўм бўлган 687 800 (олти юз саксон етти минг саккиз юз) дона эгаси ёзилган оддий акцияларга бўлинган.	3.3. Жамият Устав жамғармасининг миқдори 835 210 000 (саккиз юз ўттиз беш миллион икки юз ун минг) сўмни ташкил қилади ҳамда номинал қиймати 850 (саккиз юз эллик) сўм бўлган 982 600 (туқкиз юз саксан икки минг олти юз) дона эгаси ёзилган оддий акцияларга бўлинган.
4-МОДДА УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ А) Устав фондини кўпайтириш.	
4.1.Жамиятнинг Устав фонди фақат кўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин. 4.4. Кўшимча акциялар Жамият томонидан фақат мазкур уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин. 4.5. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда жамият уставда кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак. 4.6. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган кўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.	4.1.Жамиятнинг устав фонди (устав капитални) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин. 4.4.Кўшимча акциялар фақат жамият уставда белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин. 4.5.Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда жамият уставда курсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак. 4.6.Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган кўшимча акцияларни чиқариш, ҳақидаги қарор жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

5-МОДДА
ЧИҚАРИЛАДИГАН АКЦИЯЛАР ТУРЛАРИ ВА
УЛАРНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ
КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАРНИНГ ЧИҚАРИЛИШИ

5.2. Жамият томонидан 687 800 дона эгаси ёзилган оддий акциялар чиқарилган ва жойлаштирилган хар бир акциянинг номинал қиймати 850 сўмни ташкил этади.

5.2. Жамият томонидан 982 600 дона эгаси ёзилган оддий акциялар чиқарилган ва жойлаштирилган хар бир акциянинг номинал қиймати 850 сўмни ташкил этади.

6-МОДДА
ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

6.5. Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача мазкур жамият акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўттиз кун ичида эълон қилиши шарт. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида олинган тақдирда, жамиятнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт.

8-МОДДА
ЖАМИЯТ ДАРОМАДИ (ФОЙДА) НИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ
ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

8.8. Дивидендлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда Жамиятнинг айби билан тўланмаган тақдирда, тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади.

Жамият томонидан ҳисобланган дивидендларни ва пеняларни тўлашни акциядор суд тартибида талаб қилишга ҳақли. Акциядорнинг талаблари суд томонидан қаноатлантирилганда дивидендларни тўлаш Жамият томонидан рад этилган тақдирда, Жамиятга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот деб эълон қилиш тартиб-таомили қўлланилади.

8.8. Дивидендлар акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда жамиятнинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидентлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивидентлар бўйича ҳисобланадиган пенялар миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидентлар миқдорининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Акциядор жамият томонидан ҳисобланган дивидендлар ва пенялар тўланишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли. Акциядорнинг талаблари суд томонидан қаноатлантирилганда дивидендлар жамият томонидан тўланмаган тақдирда, жамиятга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот деб эълон қилиш тартиб-таомили қўлланилади.

13-МОДДА
ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

13.3. Жамият Бошқарувининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

Жамият Бошқаруви Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

Жамият Бошқаруви аъзолари жамият кузатув кенгаши томонидан тайинланади.

Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра жамият бошқарув аъзоларини тайинлаш, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилиши мумкин.

13.3. Жамият Бошқарувининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

Жамият Бошқаруви Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

Жамият Бошқаруви аъзолари жамият кузатув кенгаши томонидан тайинланади.

Жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг ёхуд жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра жамият директорини ёки бошқарув аъзоларини тайинлаш, коида тарикасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

16-МОДДА
ЖАМИЯТНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРИНИ ТУЗИШ,
ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

16.3. жамиятнинг йиллик ҳисоботи Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

16.4. Жамиятнинг молия йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

16.3. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

16.4. Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

16.5. Жамиятнинг молия йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.